

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLYI VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM VAZIRLIGI**

**ALISHER NAVOIY NOMIDAGI
TOSHKENT DAVLAT O‘ZBEK TILI VA ADABIYOTI
UNIVERSITETI**



“XORIJIY TILLARNI O‘QITISHDA YANGICHA YONDASHUVLAR”

**Mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy
onlayn anjumani**

**“FIRDAVS-SHOH”
TOSHKENT – 2022**

ИБРАГИМОВА САЙЁРА САЙДУЛЛАЕВНА. СОВРЕМЕННЫЕ ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ИННОВАЦИИ В ОБУЧЕНИИ РУССКОГО ЯЗЫКА В УЗБЕКИСТАНЕ	265
НАСИРОВА Н.Ш. КРЕДИТ СИСТЕМА	269
САЙДАЛИЕВА ГАВҲАРХОН АВАЗОВНА. ЛЕКСИК ДУБЛЕТЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ	272
САЛАЕВА МУБОРАК САБУРОВНА. РАЗВИТИЕ КОГНИТИВНОЙ МОБИЛЬНОСТИ УЧАЩИХСЯ В НАЧАЛЬНОМ ОБРАЗОВАНИИ	276
САФАРОВ ОДИЛЖОН. ЁЗМА ТАРЖИМА ВА ОҒЗАКИ ТАРЖИМА ТИЛ ЎРГАНИШГА ХОС КЎНИКМАЛАР СИФАТИДА	282
СУЛТАНОВА ШАХНОЗА АКМАЛ ҚИЗИ. ТЕРМИНОЛОГИЯ ВА ТЕРМИНОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР ТЎҒРИСИДА	291
ЮСУПОВА НАРГИЗА НИГМАТОВНА. ПЕДАГОГИК РЕНЕССАНС-ЯЪНИ АРАЛАШ ТАЪЛИМНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА КИРИБ КЕЛИШИ	295

кўлланилувчи, электрон форматдаги, мобил илова шаклидаги электрон контент яратиш учун электрон лугат яратишнинг нафақат лингвистик, балки дастурий муаммоларига ҳам илмий ечим топиши лозим бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Гринев С.В. Введение в терминологическую лексикографию: учеб. пособие / С.В.Гринев. – М.: Моск. ун-т, 1986. – 102 с.
2. Гринев С.В. Введение в терминоведение / С.В.Гринев. – М.: Московский Лицей, 1993. – 309 с.
3. Комарова З.И. Семантическая структура специального слова и ее лексикографическое описание. – Свердловск: Изд-во Урал. ун-та, 1991. – С. 40.
4. Xodjajeva D. Tilshunoslik terminlarining leksikografik tahlili (ingliz, rus va o'zbek tillari izohli lug'atlari materiallari misolida). Filol. Fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) dis. – Toshkent, 2018. – B.145.
5. Валиев Т.К. Ўзбек тили йўлсозлик терминларининг структур-семантик хусусиятлари ва лексикографик талкини. Фил. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. – Тошкент, 2018.
6. Temmerman R. Questioning the university idealЖ the difference between socio-cognitive terminology and traditional terminology. – Amsterdam - Rodopi. 2000. – P.3.
7. Sabirova E. Some forms of legal terms in uzbek lexicography. Инновационное развитие науки и образования. Международная конференция, Павлодар, Казахстан 2020, октябрь. Сборник научных трудов. – С. 45-48.



**ПЕДАГОГИК РЕНЕССАНС- ЯЪНИ АРАЛАШ ТАЪЛИМНИНГ
ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА КИРИБ КЕЛИШИ**

Юсунова Наргиза Нигматовна¹⁰¹

Аннотация

Ушбу мақола “Аралаш таълим” ни Ўзбекистон Республикаси Олий ўқув юртларига кириб келиши ва ривожланишига эътибор қаратилган. Давлатимиз раҳбари президентлик фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ мамлакатимиз учун энг катта муаммо, бу — бугунги замон талабларига мос кадрлар етишмаслигини, барча соҳада инновацион ва креатив фикрлайдиган, илғор

¹⁰¹ Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти Университети “Инглиз тили” кафедраси инглиз тили ўқитувчиси. Yusupova_n@navoiy-uni.uz nargizanigmatovna@gmail.com tel: 998977702744

технологияларни ўзлаштирган мутахассисларга эҳтиёж жуда юкори эканини таъкидлаб келади. “Аралаш таълим” - янги технологияни таълим тизимига олиб киришдир.

Калит сўз. Аралаш таълим, учинчи Ренессанс, ўқув муассасаси, компетентли ёндашув.

“Ренессанс” луғавий французча “қайта туғилиш” деган маънони англатади. Атама сифатида унинг мазмуни анча кенг: маданиятда, илм-фанда, санъатда, таълим-тарбияда, умуман, жамият ҳаётида узок муддатли турғунликдан кейин қайта жонланиб, тез ривожланишни, ижтимоий онг ва кадриятлар тизими янги сифат босқичига чиқишини билдиради. Илк бор атама Европада ўрта асрлар мутаассиблигидан кейин 15-16 асрлардаги ривожланиш даврига нисбатан қўлланилган. Ренессанс аталмиш мазкур ижтимоий ҳодиса ўзбек тилига Уйғониш даври деб ўтирилган.

“Аралаш таълим”ни кириб келиши мамлакатимизда ҳам катта рол ўйнамоқда. Республикаимизда сўнги йилларда олий педагогик таълимга айниқса рақамли технологияларни кенг тадбиқ этишга катта эътибор қаратилмоқда. Педагогик Ренессанс ўзгараётган давр, яъни янги Ренессанс, Ўзбекистон ўз таълимни дунёга кўз-кўз қиладиган давр келмоқда, президент Мирзиёев Ўзбекистонда “учинчи Ренессансга пойдевор қўйди. Бу эзгу гоё замирида бугунги ва эртанги авлодларимизнинг янада ўз устиларида ишлаш ва янги технологияни таълим тизимига олиб киришдир. Жумладан, педагогларнинг ва талабаларнинг педагогик компонентлигини ошириш ва ривожлантириш мақсадида амалий технологик тизим ва электрон ўқув ресурслар, комуникатив қобилиятини ривожлантириш “интеллектуал интерфейс”, замонавий кўп тармокли интерфейс ва албатта масофавий таълим ва араш таълим олиш имкониятларини кенгайтиришнинг методик тизимни янада такомиллаштириш муҳим касб тақозо этади.

Учинчи Ренессанс даврининг аломатларидан бири бу “масофавий таълим” ва албатта “аралаш таълим”дир. Бу Ренессанс таълимни ривожлантиришга жуда катта хизмат қиладди. Шунинг учун ҳам давлат раҳбари илм-фанга бўлган юксак эътиборни янада оширмоқда. Ҳозирги кунда мамлакатимиз ривожланишида илм-фаннинг ўсиш сурати жадаллашмоқда. Катта эътибор илмий-инноцион тузилмалар, илмий марказлар, илмий –тадқиқот институтлари ва янги олий таълим муассасаларига қаратилган.

Кўришиб турибдики, Республикамизда янги даврнинг пойдевори бўлмиш кенг миқёсда ва жуда катта қудратга эга

Ўқув муассасасида масофавий таълим жараёнини ташкиллаштиришга қўйиладиган техник ва дастурий талаблар МТ жараёнини амалга оширишда қўйида кўрсатилган босқичлар асосида амалга ошириш мумкин: 1-босқич: Таҳлил 2-босқич: Лойиҳалаштириш 3-босқич: Жорий қилиш 4-босқич: Ўқув контентларини яратиш 5-босқич: Ишга тушириш 6-босқич: Ривожлантириш 1-босқичда ўқув муассасининг масофавий таълим жараёнига бўлган эҳтиёжлари, таълим жараёнида қатнашаётган фойдаланувчиларнинг сони, ўқитиш усуллари ва шакллари, лойиҳани амалга оширишда керак бўладиган техник, дастурий ва инсон ресурслари, лойиҳани иқтисодий асослари таҳлил қилинади. 2-босқичда таҳлиллар натижасида амалга ошириладиган ишлар кўлами ва техник топшириқ лойиҳалаштирилади. 3-босқичда эса танланган масофавий таълим жараёнини бошқарувчи дастурий мажмуаа тегишли серверда ўрнатилади, тизимга тегишли домен танланади. Масофавий таълим жараёнини бошқарувчи дастурий мажмуасидан фойдаланиш ва унга техник қўллаб қувватлошчи ишчи ходимларни ўргатиш бўйича ўқув машғулотлар ташкиллаштирилади. 4-босқичда масофавий таълим жараёнининг асосий элементларидан бири бўлмиш ўқув контентлар ўқув бўлими ва соҳа мутахассислари билан ҳамкорликда яратилади. Яратилган ўқув контентлар экспертлар томонидан текширилади. 5-босқичда масофавий таълим жараёни ишга туширилади. Таълим жараёнида ўқув жараёни дойими назоратда бўлиб туради. Тизимдаги хавфсизлик чоралари мониторинг қилиб борилади. 6-босқичда юқорида келтирилган босқичларда мавжуд бўлган камчиликлар тўғриланади, янги ўқув курслар яратилади, техник имкониятлар кенгайтирилади, тизимнинг ривожланишига тегишли бўлган ишлар кўлами бажарилади.

Ҳозирги кунда ривожланиб бораётган иқтисодиёт ва эркин меҳнат бозори унинг барча талабларига жавоб берадиган, мукамал педагогик компетентликга эга рақобатбардош мутахассислар тайёрлашни тақозо этмоқда. Шу сабабли мамлакатимиз ва ривожланган хорижий давлатларда фаолият юритаётган педагог-олимлар аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқдалар.

Аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантириш, бизнинг фикримизча, касбий фаолиятга тезроқ мослашиш ва самарали фаолият юритишни талаб этаётган замонавий таълим тизимининг асосий талаблардан биридир. Республикамизда аралаш таълимни жорий этиш борасида муайян тажрибалар тўпланган, аралаш таълим дастурларини ЮНЕСКО ташкилоти томонидан қабул қилинган таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичи (МСКО) даражалари билан уйғунлаштириш, ўқув жараёнига Ўзбекистоннинг Миллий квалификация тизимини тўлақонли такомиллаштириш ва жорий этиш борасида қатор муаммолар мавжуд.

Тадқиқ қилинаётган муаммонинг ҳолатини мажмуавий ўрганиб, педагог олимлар томонидан талабаларда педагогик компетентликни шакллантириш бўйича анчагина тажриба тўпланганини кўриш мумкин. Педагоглар ўзлари таклиф қилган моделларни татбиқ қилишнинг асосий компонентларини, таянч ва етакчи босқичларини, илмий тамойилларини, педагогик шарт-шароитларини ақс эттирувчи махсус педагогик тизимларни ишлаб чиққанлар ва асослаб берганлар. Лекин, таҳлиллар шуни кўрсатдики, аралаш таълим шароитида талабаларда педагогик компетентликни ривожлантириш муаммоси деярли тадқиқ қилинмаган. Назаримизда мазкур муаммони ҳал этиш учун, энг биринчи навбатда педагогик компетенцияларни шакллантириш ва ривожлантириш жараёнини тадқиқ қилиш муҳим. Бунинг учун эса аралаш таълим шароитида талабаларда педагогик компетентликни фаол ривожлантиришни таъминловчи муаллифлик моделини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Ушбу модель ҳақида тадқиқот ишининг кейинги бобларда сўз юртилади.

Маълумки, олий таълимни ислоҳ қилиш, янгилаш, такомиллаштиришда замон талабларига жавоб берадиган мутахассисларни тайёрлашнинг асосий йўлларида бири компетентли ёндашув ҳисобланади.

Компетентли ёндашув қуйидаги вазифаларни амалга ошириш имконини беради:

- талабаларнинг мақсадлари билан педагогларга қўйилган таълим мақсадини мувофиқлаштириш;
- ўқишда талабаларнинг масъулиятлилиги ва мустақиллигини секин-аста ошириш ҳисобига ўқитувчининг меҳнатини енгиллаштириш;

- талабалар ишини таълим мазмунини механик қисқартириш ҳисобига эмас, балки индивидуал мустақил таълим улушини ошириш ҳисобига енгиллатиш;

- ўқув ва тарбиявий жараёнлар бирлигини назарияда эмас, балки амалиётда таъминлаш;

- талабаларни онгли ва масъулиятли таълимга тайёрлаш.

Бугунги кунда мамлакатимизда педагогик таълим ривожланишини белгилаб берадиган Болония жараёни доирасида компетенцияларга асосланган ёндашув алоҳида аҳамиятга эга. Шу сабабли, ушбу ёндашув нуқтаи назаридан инновацион таълим учун компетентли педагог кадрларни тайёрлаш масаласи шу куннинг долзарб муаммолари бўлиб ҳисобланади.

Р.М.Баскаев¹⁰² [...]нинг тадқиқотларига кўра, бир қатор мамлакатлар таълим тизимида шахснинг ривожланиши, унинг ижтимоийлашуви ва ўзини ўзи намоён қилиши учун таълимнинг аҳамиятини баҳолашга асосланган “билимли” ёндашувдан компетентликка асосланган илмий педагогик ёндашувга босқичма-босқич ўтиш жараёни рўй бермоқда. Шу нуқтаи назардан, таълим натижаларига замонавий талабаларни акс эттирувчи “компетентлик” атамаси Ғарб мамлакатлари педагогикасининг муваффақиятлари билан узвий боғлиқ.

Тадқиқотларни ўрганиш жараёнида бевосита аралаш таълим шароитида талабаларда педагогик компетентликни ривожлантиришга оид илмий тадқиқотлар педагогик муаммо сифатида ўрганилмаганлигини ва талабалар педагогик компетентлигининг асосида ётувчи кўпгина масалаларни ҳал қилиш зарурлигини тасдиқлайди. Таҳлиллар аралаш таълим шароитида талабаларда педагогик компетентликни ривожлантиришда қатор муаммолар мавжудлигини кўрсатади. Булар:

- аралаш таълимга оид атамаларнинг ишланмаганлиги ва тартибга солилмаганлиги;

- аралаш таълим модели ва фаолият характеридан келиб чиқиб, педагогик компетентликнинг мазмуни ва ўзига хос хусусиятлари аниқланмаганлиги;

- аралаш таълим шароитида педагогик компетентликни

¹⁰² Баскаев Р. М., О состоянии и некоторых тенденциях современной подготовки педагогических кадров в России и за рубежом // Вестник Университета Российской Академии Образования. - 2007. - N 2. - С. . 81.

ривожлантиришга имконини берувчи педагогик модель ишлаб чиқилмаганлиги;

- ушбу моделни ривожлантириш тамойиллари аниқланмаганлиги;

- аралаш таълим шароитида педагогик компетентликни ривожлантириш босқичлари, методлари ва воситаларини аниқлаш зарурати ҳамда аралаш таълим шароитида педагогик компетентликни самарали ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари аниқланмаганлиги.

Юқорида айтилганлардан хулоса қилиб, аралаш таълим шароитида талабаларда педагогик компетентликни ривожлантириш муаммосини ҳар томонлама ўрганиш, шунингдек, педагогик компетентликни муваффақиятли ривожлантириш жараёни боғлиқ бўлган масалаларни аниқлаш ва тизимлаштириш, бу муаммони умумий касбий компетентликни ривожлантиришнинг долзарб масалалари устувор вазибаларидан бири эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Адабиётлар рўйхати

1. Баскаев Р. М. О состоянии и некоторых тенденциях современной подготовки педагогических кадров в России и за рубежом // Вестник Университета Российской Академии Образования. - 2007. - N 2. - С. 81.

2. Ingliz tilini o'qitish bo'yicha loyiha ustida ishlash // INR Xorijiy tillarni o'qitish metodikasi usuli // INR №

3. 2, 3, 2000

4. Xorijiy filologiya til-adabiyot-ta'lim//Ilmiy-uslubiy, adabiy-badiiy jurnal. Samarqand. 2007 4 (25)

5. Eshmuhammedov R., Abduqodirov A., Pardayev A. Ta'limda innovatsion texnologiyalar. Toshkent 2008.

6. Innovatsiya o'quv jarayonida//Ilmiy-uslubiy maqolalar to'plami. Toshkent. 2010.

7. Aralash ta'lim shakli-pedagogik ta'lim klasterining zamonaviy yondashuv sifatida. УЖЭЮННБЛ Г.

8. "Science and Education" Scientific Journal 1 (volume 2), 286

9. Инновационные методы интенсивного обучения в среде педагогического образования.

10. Y.N. Nigmatovna Хоразм маъмун академияси ахборотномаси 11 (11), 471.